
Бугун Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун
Бугун, 18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун.
1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи
тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакат давлат
суверенитетининг рамзи – байроғимиз тасдиқланган.

Ўзида жуда катта маъно-мазмунни мужассам этган, юксак дид ва маҳорат билан
пухта ишланган, ўзида бутун Ўзбекистон аҳлининг асрий орзу-истакларини,
ғайрати ва шижоатини, халқимизга хос меҳмондўстликни, аждодлар ёди ҳамда
миллат ғурурини мужассам этган байроғимиз сайёрамиздаги барча
мамлакатларнинг давлат рамзлари орасида алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга
сазвордир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон тумани ҳокимлиги барча юртдошларимизни,
қадрли тумандошларимизни озод ва эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган
ишончимиз ифодаси ҳисобланган давлатимиз байроғи қабул қилинган кун билан
самимий қутлайди.

Тоабад ҳилпирайвер, ифтихоримиз тимсоли!

????????? ?????? ?????????

2021-11-18 22:26:17